





Фикримизча, миллатимиз даҳоси, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ва унинг бадиият олами тўғрисида ёш учун абабатта навоийшунос олим бўлиш шарт эмас. Чунки ўзбекман деган киши бу дунёга келиб, ҳаёт йўлида доғдуқ бир лаҳза бўлсин, Навоий деган жозибаали оламга дуч келади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтсам, ҳар қалб ўз Навоийсига эга. Ва мана шу оми Навоий тўғрисида сузлашса маънавий ҳуқуқ беради.

Биз ҳаммамиз, ўқувчилик ёшга етиб, мактабга борамиз. Мактабнинг илк синфларидаёқ муаллимлар Навоийнинг сузларини қўлқоққа қўйиб бошлайдилар. Шахсан мен ўзим, 3-4-синфларда бўлса керак, бобоқалон шоиримизнинг «Бор эмтиш ўтган замонада бир киши, доимо ёлгончилик қилгон иши» байти билан бошланадиган ривоятнома бир кичик шеърини мактаб дарслигида ўқиганман ва ёд олганман. Бу шеърда ўткир ахлоқий масала қўйилади. Бир киши доимо ёлгон гапириб, одамларни алдаб юрар экан. Охири бир кун унинг уяига ўт кетибди, ёлгончи ҳар қанча вой-лод солмасин, унга ҳеч ким ишонмапти. Уйи ёниб, қулга айланпти. Мана, ёлгончиликнинг фожиаси! Жамиятда тўғри, ҳақол, соғлом қадим босмасанг, охири қисматинг татигулик маънавий ҳулоса бор бу маснавий шеърда.

Шу-шу мена Навоий асарларига қизиқиб пайдо бўлган. Кейин Навоий асарларини кетма-кет ўқиш бошлаганман. Қийналганда муаллимлар ва довлардан кўмак сўраганман. Шоир асарлари буйича тузилган дугатларни сотиб олдим. Навоийшунос олимларнинг китобларини ва бу тўғрисида чиққан мақолаларни имкон қадар топиб ўқийман. Навоий достонлари, газалиети, илмий-тарихий асарлари мўъжаз кубушонининг асл бойлиги, жаҳонқирларидир.

Мустикалик йилларида Навоийга қараш ўзгарди. Унинг бадиий-эстетик олами, фалсафий, маънавий дунёқарашларидаги шу пайтгача ботиқиб тилга олинмаган тасаввуфий асослар таҳлили кучайди. Олимларга қўшилди, Навоий ижодиётининг муҳлисари қарашларида ҳам шу ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Уялмайманки, бошқа ватандошларимиз ҳам Навоий оламига ошшоликнинг мендагидек йўлини у ёки бу даражада ўз бошидан кечирган ва кечираверадилар. Ҳар бир хонадон улуғ шоирнинг қандайдир бир асарига эга. Шундай қилиб, Навоий сўзининг гўзаллиги, ҳикмати, олийжаноб маъно ва интилушлари юракка сингиб боради.

Ҳар қалбнинг ўз Навоийси бор, дедик. Шахсан менинг

Азиз сиймолар ёди

тилла «Хазойинул-маоний»дай минглаб туркийча байтлар мажлисдан иборат газал мўлкини қолдирди. «Хамса»дай буюк бадиий обидани шу тилда бунёд этди. Туркий ва форсий тилларни қўйсиз ва она тилининг бойлигини кўз-кўз этиб исботлаган «Мухокаматул-лугатини» яратди. Яна бу тилда қанча ноб асарлар қолдириди. Умрини ўзбек адабиётининг пойдеворини қўйишга бағишлади. Бу жараёнларда қанча маломатларни бошидан кечирди. Унинг уринишларида ажабланиш оламлар ҳам кам эмасди. Ўзбек тилида юксак шеърят яратиш билан бир


сифатида кўрсатди, балки унинг поёнсиз фалсафа ва ҳикматлар тили эканлигини ҳам ўз ижодида исботлай олди. Мана, Навоий бобомиз тўт бағзи ва ипақ курти тўғрисида ёзган. Тут кўкарди, барг ёзди, бу барг куртак пайтидан бошлаб ипақ куртига озуқа бўлади. Ипақ курти эса инсон учун ипақ, атлас, шойи беради. Лекин на тут, на ипақ курти инсонга фидойилигини кўз-кўз қилмайди. Улар дунёга келади ва бутун борлигини бевосита инсон турмушининг обод ва фаровон бўлишига бағишлаб, ўтиб кетади. Бу фидойилик тут барги ва ипақ курти қисматига

ҲАР ҚАЛБДА БИР НАВОИЙ

Навоий бобомиз даҳоси билан боғлиниб кетган ўйларим ва ҳис-туйғуларимнинг гултожи — ҳайратдир. Ахир ҳайратланмай бўладими! Бобоқалонимизнинг ўзлари «Махолисун-нафос» асарларида шундай ёздилар: «Ҳамано уи би билла тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқимок тақлифи қилиб, баъзе ҳайрат издор қилдилар...» Алишар уи ёшда «азизлар» тақшар уч ёшда «азизлар» тақшар ли билан ёлаша шер ўқиб берган. Қараган, уч ёшда! Ҳали тили чикиб-чикмаган бир ёшда! Энди бу шеърини ўқиш учун Навоийнинг болалик давридаги машҳур шайх ва машҳур шоир Қосим Анворнинг «Риндем ошкун...» деб бошлаган форсча газали эди. У ёшда бола бу форсий мураккаб сўғина газалини қандай ёқтирди ва қандай ёд ололди? Даҳонинг бу сирини тушуниш осонмас.

қаторда, умрининг сезиларли қисмини бу тил равақи учун курашдаги бахсларга фидо этди. Хуллас, Алишер Навоийнинг туркий тилини, ўзбек тилини «ҳақорат ботқонидан шеърят осмонига кўтариш» йўлидаги мислсиз сўй-ҳарақатлари осон кемади. Даҳоларнинг қисматига бир муштараклик бор. Данте италия тилини адабий тил сифатида ўйготди. Шекспир инглиз тилини буюк адабий тил даражасига кўтарди. Пушкин тилсизда рус тили ўз алоқ-бардорини топди. Навоий худди шу даҳолардай ўзбек тилини жаҳоннинг қудратли адабий тиллари қаторига қўшиб кетди. Аввало, ўзбек тили ўзгача жаранларга бой оҳанглар тили эканлигини исботлади. Яъни «навоисиз элнинг навоҳиши бўлади». Ўзбек халқи Навоий қудрати билан ўз она тилининг бемисл навоҳишини кашф этди. Навоий шеърятига сўзлар, гўзал маъноларни англашдан ташқари, қўйлаб турлади, ўзидан сеҳри оҳанглар таратади.

Навоий ўзбек тилини нафақат жон олгучи оҳанглар тили тугилган, уларнинг зуваласига бор. Инсон ҳам дунёга келиб жамиятга аямалда, Ватанга, мажиятга аямалда. У ҳам мана шу замонага, Ватанга, жамиятга фидойи бўлмас, ҳаётини маъно йўқ. Шундан келиб чиқиб, Алишер Навоий ёзди: **Тутини баргичлик қисматинг йўқму? Ипақ куртичилик қисматинг йўқму?** Эшитилганимиз, улуг мутафаккир нима дегпти? Фидойилик кўз-кўз қилдиган нарса эмас. Бу — ҳимматга, тасмаиз муруватга асосланмоғи лозим. Ҳиммат ҳис-туйғусидан баҳра олган фидойилик инсонларнинг беэали. Навоийнинг бу сўзларини ҳар бир идора, ҳар бир раҳбар ва ҳатто ҳар бир фуқаро ўз даргоҳининг шиги тепасига ёзиб қўйса, арзийди. Йўқ, аввало, қалбига ёсин. Виждонига, иймонига муҳралисин. Ана шунда биз Алишер Навоий оруз қилган инсонга айланамиз. Мутафаккир шоир меросида ўтаётган замоналар бўйсунмас, бутун жилоси, маъно-маз-



Мун ўткирлиги билан тобора ял-ял товланиб ва ҳамшира одамзотга ҳаётда энг тўғри яшаш йўлини кўрсатиб турадиган ҳикматли ўғиллар сон-саноксиздир.

Масалан, мана, биз янги ҳаёт кўраемиз. Янги ҳаёт, яъни янги давлат, янги жамиятни барпо этиш эса турган битгани меҳнат ва мамлакат фуқароларидан фидойиликни талаб этди. Тараққиётнинг бундай талаби, афсуски, ҳаммага бир хилда тўғри келавермайди. Қийинчиликлардан нолиш, боқимандалик даврини кўмсаш худди кўзга ташланиб туради. Бундайларга Навоий бобомизнинг «Лисонут-тайр» асариди мана бу мисралар кескин бир оғоҳданиришдай туюлса, ажаб эмас.

Ўз вужудингга тафаккур айлағил, Ҳар не истарсен, ўзиндинг истағил...

Ҳа, азизлар, донишманд Навоий бобомизга қўлақ тутиб, ҳар биримиз «вужудингга тафаккур айлағил», кунги истақларини ўз меҳнатини, заҳматларини билан юзага чиқариш. Ватан, жамият — бизга эмас, энг аввало, биз Ватанга, жамиятга сўй-ҳарақатларимизни фидо эттиш энг ҳалол яшаш йўлидир. Тадбиркор бўл, ташаббус кўрсатиб, ёниб-жушиб яшамехнатингдан ҳам ўзинг, ҳам жамият оқиб, фаровон бўлсин, деб улуг ишларга бизни унда-

ётган Президентимизнинг далаватларига Алишер Навоийнинг бу қарашлари нақадар ҳамнафас! Қалбнингизда Навоий бўлса, бу гални тушуниш нақадар осон кемади!

Сўзлай десак, Навоий ҳақида юракдан отилиб чиқадиган гаплар кўп. Ҳаммасини айтиб угулролмайсан.

Хатто, мен бир китобхон сифатида шундай ўйлайман. Асрлар мубайнида шакланган бир маънавий эътиқоқга кўра, ҳақол, пок илтило одам ўз умрида ҳеч бўлмаганда бир марта, бир лаҳза бўлсин, тушаман- ўнгилма — Хожай Хизрга дуч келар экан. Бу учрашув онда инсон Хожай Хизран сўраганин жо-бат бўлиб, ҳаётини саодатли амаллар кўз берар экан.

Эзуликка ишониниш ва интилуш керак. Менинг чўқур ишонимизча, Навоий ҳам ҳар бир инсон ҳаётини Хожай Хизрга дуч келишдан кам бўлмаган бир аҳамиятга эга. Чунки Навоий билан ҳамнафаслик, у билан мулоқот, сузлашув, сирлашув — кишининг табиғатига юксак фазилатлар ҳаля этди. Бундай одам ҳаромдан, ёлгондан, фирромлик ва адолатсизликдан, қабохатлардан жирнади. Бошқача яшайди. Бу ҳақил галми? Навоий билан бундай учрашувнинг Хожай Хизр билан учрашувдан қарери кам?

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг мўтабар йигиллигидан бирида Алишер Навоий ҳақида аjoyиб фикрларни айтган эдилар. Навоий кунда керак, ҳар биримизга керак, унинг ҳар бир асари, ҳар бир газали, ҳар бир сўзини эл маънавиятига етказайлик, деган эдилар ушунда. Юртбошимиз Навоий номини эшитиш, билиш, Навоий асарларини ўқишнинг ўзи старли эмас, Навоийни англаш керак, Навоий билан ҳамнафас бўлиб яшаш керак, дедилар.

Агар шундай яшасак, ҳам улуг бобомизнинг руҳи шод бўлади, ҳам қалбимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлади. Чунки Навоий ахлоқлик, эзулик, ҳақолик, инсоф ва диниёт билан яшашга даъват этиб ўтганлар. Инсоният бор экан, унинг бу даъватлари ўз қийматини йўқотмайди. Навоийга талпиниш абадий ҳодисадир.

муҳлис.

Суд тизимида янгилик

2000 йилнинг 27 августда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган. Ана шу Фармонга мувофиқ Қашқадарёда ҳам фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар ташкил этилади.

Бу абабатта фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатлари кучайишига хизмат қилади. Ҳуқуқий демократик жамиятда шундай бўлиши табиий.

Н.РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ҚОТИЛ СИНГИЛ

Тошкент шаҳрида яшовчи Галя Липина акаси, 1962 йилда туғилган Аркадий Липин билан гап таланиб қолади. «Бадан қизини» да ўз акасига қўл кўтариб, мана сенга дея Аркадийнинг кўрак қисмига ичоч қўриб ўлдирди. Қотил жуфтаник ростламай туриб, уни ички ишлар ходимлари қўлга олиди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри яқинида оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси қирғоқдан янаша ва ишлаш жойининг таъини бўлмаган, 1961 йилда туғилган Георгий Михайловични жасди топили. Мурда текшириб қўрилган бошига оғир жим билан жароҳат етказилганлиги аниқланди. Қўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни ҳеч қандай ишламайди, 1964 йилда туғилган Ахрор исми кимса биргалликда спиртли ичимлик ичганларидан сўнг ўзаро жанжал оқибатида содир этганини аниқлаиб, қўлга олиди.

«СОМОНХОНА»...ДА УШЛАНДИ

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида соат 16 дан 30 дақиқа ўтганда номаълум шахс темир йўл ишчиси, 1976 йилда туғилган А.Кенжанов «Ваз—2102» русумли автомашинаси ҳайлаб қочди. У йўлда тезликни ошириб юбориши натижасида 1974 йилда туғилган Боли Хурсановни уриб юбориб, воқеа жойидан қўчиб кетади. Олиб борилган тезкор тадбирлар тўғрисида ушбу жиноятни содир этган А.Олимов аниқлаиб, ушланди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганлари шу бўлса керак-да. Шерали АНВАРОВ, ИИБ матбуот маркази ходими.

Кишлоқда янги завод

Хонқа туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида уруғлик чигит тайёрланадиган кичик завод фойдаланишга топширилди. Янги корхонада 30 киши иш билан таъминланди. Заводнинг дастлабки махсулоти — сифатли уруғлик қадокланган холда хўжалик ва фермерларга етказиб берилаяпти.

АПКАЛ-Г (глюконат кальций 500 мг)



КАЛЬЦИЙ ГЛЮКОНАТ ҲАМИША СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ

Шунингдек, Президентимиз асарларида тилга олинган ички таҳдид кўринишлари элнинг кенг ва очик-ойдин таҳдид қилиб берилса, бундай онглиликнинг тараққиёт учун фойдаси беададир. Масалан, экологик онгли-

ДИККАТ!

«TOYOTA-COROLLA XI» седан русумли 1993 йилда ишлаб чиқарилган машина СОТИЛАДИ. МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (998-72) 48-25-60; 48-11-70; 48-11-16 (9:00дан 17:00гача) ПАКИСТОН ЭЛИМХОНАДИ

ATTENTION-CARSALE

«TOYOTA-COROLLA XI» model, sedan-1993 in good condition ON SALE. For further information please contact embassy of Pakistan: (998-72) 48-25-60; 48-11-70; 48-11-16 (9:00 to 17:00hrs)

Чор Россияси томонидан

оппа-осон боисб олинганлиги бунинг янчили далилидир. Махаллийчилик ҳамшира ўзи мавжуд бўлган минтақани бутун ўлкадан ажратиб қўйди ва сепаратизмга тўзатиб бўлмайдиган зарар етказди. Хуллас, аён бўлиштики, коррупция сиёсий ислохотлар жараёни-

Халқимизда «Дарактнинг

буштини кўрт ёйди» деган ҳикмат бор. Чиндан ҳам, сир эмаски, қарда онгизлик, гоъвий беқарорлик ҳукмрон бўлса, уша ерда мафкуравий таҳдидга шароит туғилади. Шу боисдан оғоҳликни онгли даражага кўтариш — онгизлик, гофилликка барҳам бериш демакдир.

Биз дунёда гоъвий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган бир даврга яшаймиз. Инсон қалби ва онги учун кураш қизигандан қизиб турибди. Бундай шароитда миллий ҳавфсизликнинг асослари ва ҳақирги реал муаммоларидан ҳақирги қанчалик чуқур ҳабардор бўлса, оғоҳлик ва ҳушёрликнинг онглилик даражаси оширилади, мустақил ривожланишимиз истиқболли ҳам шу қадар ишончили ва мустаҳкам бўлади.

Сайфиддин ЖўРАЕВ, сийбатунослик фанлари доктори. Ҳабибулло ТОЖИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Довлат ва жамият қурилиши академияси докторанти.

ЭЪЛОН!

2001 йил 23 феврал соат 10.00 да

- № 732 «Бухоро-Қарши», № 748 «Нукус-Урганч», № 766 «Олмалиқ-Учкулоқ», № 767 «Бухоро-Шаҳрисабз», № 785 «Самарқанд-Сирдарё», № 792 «Самарқанд-Шаҳрисабз», № 903 «Тошкент-Зафаробод», № 908 «Тошкент-Боевут», № 974 «Сирдарё-Зомин», № 998 «Гулистон-Зарбдор»

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва шаҳарлараро-вилоятлараро автомобил транспортда йўловчи ташишни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишлари жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича Идораларо комиссия.

Комиссия манзили: Тошкент ш., «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-уй. Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Идораларо комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун 2001 йил 18 феврал 18.00 дан кечикмай талабнома беришлари лозим.

Идораларо комиссия тендер тақлифларини 2001 йил 22 феврал соат 18.00 гача қабул қилади.



ТЕНДЕР ўтказиш манзили: Тошкент ш., «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон Автомобил ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефон: 41-14-19. Ўзбекистон Фанлар академияси ядро физикаси институти жамоаси катта илмий ходим Б. Акабировга волидан муҳтарамаси. УЗРАТХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Тошкентдаги «Юдуз» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бош директор муовини Мирзаид Кўчқоровга волидан муҳтарамаси. ОСИҲОН аянинг вафот этилишини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этгани. «O'ZMASHTA'MINOT» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бош директор муовини Мирзаид Кўчқоровга волидан муҳтарамаси. Шарифа ҚУЧҚОРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Тошкент электротехника-алоқа институти жамоаси кафедр муаллими Рифат Ибраимова онаси. Софийа ая АСАНОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этгани.

ОҒОҲЛИК

омилларидан биридир

ликин ривожлантириш апроф-мудитнинг ифлосланишида қатарининг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Еки махаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция каби иллатларни олайлик. Бу масалалар матбуотда ақсар ҳолларда фақат ижтимоий-маънавий ва ахлоқий ҳодиса сифатидагина кўйилиб, таҳлил этилади. Аслида эса, бундай иллатлар мустикал ривожланишимизга кескин ҳалақат беришдан жиддий ички таҳдид кўринишларидир. Бу ҳодисаларга биз сиёсий-мафкуравий жиҳатдан баҳо беришимиз керак. Чунки улар ривожланишга доир умумдават, умуммиллий сиёсатимизга ҳалақ етказди. Юртбошимиз айтганларидай, масалан, «Коррупция донига ялган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-

ни мураккаблаштириб қўйиши мумкин. Коррупция жиноятчилик билан биргаллик, давлатнинг конституциявий асосларига путур етказди. Бундай ҳодисадан халқимиз кенг оғоҳ бўлиши керакми? Албатта! Коррупциядай ҳафли иллатга қарши курашиш ва унинг ривожланишимизга ҳалақят беришдан қанча айланмаслиги учун халқимиз бу ҳодисани чуқур тушуниб етмоғи керак. Еки махаллийчилик ҳодисасини олайлик, у шунчаки миллий ахлоқ ва маънавийнинг қамчиликларидан бири бўлиб қолмай, сиёсий-мафкуравий жиҳатдан ҳам қатарли иллатдир. Махаллийчилик азал-азалдан миллий тараққиёт кушандаси бўлиб келган. Туркистон бир неча ҳодисаларга бўлинтан XIX асрда ўлка



# Камтарин адиб

XX аср крим татар халқи тарихида огир синовлар даври бўлди. Собиқ шўро ҳукумати уларни бир кунда она юртидан бадарга қилди. Бутун бир халқни тарихи, маданияти, анъаналари, тилидан айирмоқни режалаштирди. Лекин мустақил тузум ўйлангандек чиқмади. Крим татар халқи тақдирининг бу улкан синовидан сабр-матонат билан ўтди.

Сафтер Нагаев ана шундай халқ адабиёти вакилларидан биридир. Унинг болалиги Фаргона вилоятининг Учқўприк туманида кечди. ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлади.

1955 йилдан ўзбек ва крим татар тилларида ижодий фаолиятини бошлаган адиб бир

қанча насрий ва бадий, танқидий ҳамда адабиётшуносликка оид асарлар яратди. Меҳнат фаолиятининг асосий қисмини матбуотга бағишлади. Унинг «Кунгилга яқин одамлар», «Фидокорлик», «Саҳролар олови», «Минг бир ўлимни енгиб» деб номланган очерк ва қиссалари, адабий-танқидий тўпламлари чоп қилинди.

Ўзвучи ижодида XX аср крим татар халқи тарихининг бадий-ҳужжатли талқинини қамраб олишга ҳаракат сезилиб туради. Бу тасолиф эмас. Адиб шу йул билан ўз халқи тарихи, ҳаётини келажак авлодларга етказишни бош мақсад қилиб олган ва бу огир юмушни кўп ҳолларда удалаган.

Адиб сўнгги йилларда ўзбек китобхоналарини крим татар адабиёти намуналари билан та-



ништириб келмоқда. Исмоил Гаспринскийнинг «Дор-ул-роҳат мусулмонлари» романини китобхоналаримиз Сафтер ога таржимасида ўқимоқдалар. Айни пайтда унинг Фитрат, Чўпон ижоди ва крим татар жадидчилиги масалаларига бағишланган тадқиқотлари жамоатчилик томонидан илиқ қаршиланди.

Умр — оқар дарё. Ўзвучи Сафтер Нагаев ҳам олтимиш ёшга кирди. Биз унга оилавий бахт, сиҳат-саломатлик ва ижодий муваффақиятлар ҳаммаша ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Шомирза ТУРДИМОВ,**  
филология фанлари номзоди.

## «ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

### Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУХИДДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАҲХОДИЙ,
- И. ХУДОЁЕВ,
- О. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙСЕРБЕКОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ў. ҲОШИМОВ.

### БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
- Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65
- Мағнавий ва маърифат — 136-35-60;
- Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89; 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

### Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 716,  
30797 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ.  
Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютерга терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.  
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.  
Навбатчи — М. НОРМАТОВ.  
Мусаҳҳих — Ш. МАШРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрирхонада ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси.  
Борхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
топишриш — 21.00  
1 2 3 4 5 6

Кўзларида қуёш кулар,  
Оймомога сирдош ул қиз.  
Хунарлидир — унарлидир,  
Ҳам кўнгли, ҳам қўли гул қиз.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

**Ҳикмат**  
Қуёш нури ифлос жойга тушгани билан қадрсизланмайди.

**Жумбоқ**  
Икки нафар ота ва икки нафар ўғил баллиқ овида боришди. Ҳар бири биттадан баллиқ туттишган бўлса-да, ўйга учта баллиқ олиб келишди. Нима учун?

19 январдаги жумбоқнинг жавоби: машинада 100 та яшиқ қолди.

Бу ҳақда тошкентлик фаол мухлисимиз Маҳбуба БЕГМАТОВАдан биринчи бўлиб жавоб олдик. Чилонзор туманидаги 202-урта мактаб ўқувчиси Фурқат МУФТУЛ-ЛАЕВ эса иккинчи бўлиб жавоб йўлади.

Бай-бай-бай! Оққўрғон туманида шунақа аломат жой бор экан, кўрмай ўтиб кетишимизга озгина қолибди. Аломатки, нарғи йўқ. Ишонмасангиз кириб, шундай йўл ёқасидаги 78-мактаб-интернатга! Оҳ! Мактаб эмас, нақ кўргазма! Дарвозадан киришингиз билан сизни ширали овозлари билан... чорва моллари кутиб олади. Йўқ, ростдан. Чунки мактаб ўйингоҳи қаровсизликдан яйловга айланган кетган-да! Ўт босган майдонда синган, ағанаб тушган, бир неча йиллардан буён таъмир нималигини билмаган спорт анжумлари, ўтиргичлар, қаровсиз гулзорлар, ишқомларни кўриб ёқа ушлайсиз.

Мактаб директори Абдумутал Ашурматовнинг дарагини ҳеч ким айтиб беролмайди.

— Бугун келмади, униям тирикчилиги, оиласи бор, ўзининг бирорта ташвиши билан юргандир-да, — деди илмий бўлим мудир Шукура опа Холмухаммедова. — Бош тарбиячи Тўлқин Шербоев шу ерда эди. Кеча хонасидаги магнитофонни ўғирлаб кетишди. Ушани қидириб мелисахонага кетди-ёй!

Ҳа, энди шунақасиям бўлиб туради, дея Шукура опа билан суҳбатлаша кетдик.

— Мактабимизда 217 нафар ўқувчи, 34 нафар боғча ёшидаги тарбияланувчи бор. Уларга 140 кишилик жамоамиз таълим-тарбия бермоқда.

— Ўқувчиларнинг давомати қалай?

— Давомат... Бугун ҳисобини қилмабман-а...

— Ўзи давомат дафтари борми?

— Энди қиламиз-да! Аммо ўзим ҳисобини қилиб юрман. Мана, 10 октябрда 172 нафар, 21 октябрда 155, 4 ноябрда 163 нафар ўқувчи мактабга келган.

«Қолган кунлари-чи? 50-

60 нафардан бола машғулотларга келмас экан-да!» дегани, тўғриси, иймандик. «Директор у ёқда, бош тарбиячи бу ёқда юрган бўлса яллама ёримни айтиб, опанинг айби мактабда турганими», дедик ичимизда.

Синфларга сайрни бошладик. 5-«Б» синфда 12 ўқувчидан тўрт нафари, 8-«Б» синфда ўн ўқувчидан уч, 6-«А»да саккиз ўқувчидан беш нафари, 5-«А»да 12

шинчи сентябрдан 17 ноябргача пахтада бўлди.

— Йўқ, опа, ҳокимият сизларга ёрдам бериб турадими, деспамиз.

— Ҳа, «дол!» деб борсак, солиқнинг бошлиғиғами ёки савдонинг бошлиғиғами айтишди, БАЙРАМЛАРДА БОЛАЛАРГА ПАЛОВ ҚИЛИБ БЕРИШАДИ!

Ифлос, чанг, қоронғу, таъмирга ўта муҳтож ошқонага кириб ҳақиқатан ҳам

магнитофон билан келиб қолди.

— Топилди, — деди у хурсанд бўлиб. — Уярым бегона эмас — ўзимизнинг ўқувчилардан экан!

«Бу тарбиячи ниҳоятда яхши олиб борилаётгани, сизнинг улкан «ютуқ»ларингиздан бири», дедик бош тарбиячиға ичимиз-да!

Аҳвол ҳақида мактаб-интернат директори А. Ашурматов билан бир дарлаш-

# «Кўргазма»га

Фельетон

## марҳамат!

ўқувчидан тўрт нафари, 5-«В» синфда 17 ўқувчидан тўрт нафари ўтирибди! Ҳа, ўтирибди, ҳоло! Чунки, ёзгани ручка-дафтари, ўқигани китоби бўлмагандан кейин «ўтирибди» дейилади-да!

— Бу ўтиришлариям ҳолва — ДАРСАГА ЎХШАГАН НАРСА БЎЛИБ ТУРИБДИ, — опа тушунтирган бўлди. — Ўтган йили умуман газ ёнмади, ўтин-кўмир гамламаганмиз — дарсларни ётоқхоналарга кўчирдик. Муаллимлар дарс ўтиши, муаллимлар ўтин қилиши киши билан!

— Бу йил қалай?

— Бу йил ҳам худди ўтган йилдагидай бўлса керак: кўмир, ўтин йўқ.

— Туман ҳокимияти ёрдам бериб турадими?

— Ҳа, ЕРДАМ БЕРИБ ТУРАМИЗ. Пахтасининг чопиғи борми, яганаси борми, ўтоғи борми, қатқалоғи борми — қиламиз. Бу йил ҳам пахтага дейиши, бе-

аранг эплашайтганига гувоҳ бўлдик. Биринчи оқат — МАКАРОННИНГ СЎЮҒИ. Иккинчи оқат — МАКАРОННИНГ ҚЎЮҒИ! Болажонлар иккала оқатни ҳам сизга ташқарига йўналиши.

— Чой ичимайдими? — сўрадик хайрон бўлиб.

— Сув йўқ эди, шунга... — ошпаз чайналди.

— Сувни ташиб бўлса-да олиб келишарди, — мудира опамиз тушунтирган бўлди.

— ҚУРУК ЧОЙ ЙЎҚ ЭКАН, шунга болалар ҳеч нарса ичимайди!

— Сув йўқ бўлса, болалар қандай ювинишарди? — сўрадик яна.

— Ҳаммомимиз бор! — дея опа бизни бошлаб кетди.

Ҳақиқатан ҳам бор экан ҳаммомлари! Фақат СУВИ ЙЎҚ ЭКАН ҲАММОМЛАРИНИ!

Шу пайт бош тарбиячи Тўлқин Шербоев қўлтиғида

моқчи бўлиб, у кишини кун бопунча кутдик — афсус, раҳбарликларидеги таълим-тарбия ўчоғига қадам ранжида қилмадилар. Тўлқин-жон ака билан йўлга отландик.

— Бир нарсани беришпти шекилли бизга, — деди у бир бино олдига чўғай яшнаб турган энгил машинага ишора қилиб. — Ҳўжалик мудиримизнинг машинаси!

— Сизларда чорва моллари алоҳида эъзозланар экан-а? — дедик ҳокимият биносининг шундай олдига, туманининг кўзуси бўлган «Тасвирий ойна» атрофида маза қилиб ўтлаб юрган мол-қўйларга ишора қилиб.

— Ҳа, энди... — йўлдошларим кулишди.

Хуллас, даниғлама биноларнинг шинам хоналарида бу ҳолатларни томошабиндек кузатаётган туман ҳокимиятидаги акаларимизга «офарин»лар айтиб, олам-олам таасуротлар билан автобўсга чиқиб, бундай «кўргазма» республикамизда ягоналиғига иқдор бўлиб, Тошкентга йўл олдик.

Санд АНВАР, Ўзвучи, «Халқ сўзининг» достёри.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Кунига 24 соат ва ҳафтасига 7 кун

автоматлаштирилган компьютер тизимидан фойдаланиб, реал давр шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича банк хизматларининг ишончли ва қулай турини тақлиф этади.

### «БАНК-МИЖОЗ»

деб аталган масофадан хизмат кўрсатиш тизими уйдан ёки офисдан чиқмай туриб, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ўз ҳисобварақларингиз ҳолати, улар бўйича кириш ва чиқим тўловлари тўғрисида батафсил маълумот олиш, банкнинг тегишли хизматлари билан амалий ёзишмаларни юритиш имкониятини таъминлайди.

**Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингизнинг сақлалиши ва даромадлилиғига кафолат беради.**

### Мажбур бўлди

Брюсселда яшовчи Патрик Паттин тўхтовсиз бильярда ўйнаб, жаҳон рекордини янгилади.

Телевизион техникаси бўйича муваффақият билан бу йилги 245 соат давомидан яшил мовут устида бильяр шарларини у ёқдан бу ёққа «қувлаб», олдинги рекорддан бир йўла 5 соатга ўтиб кетган. Ҳар уч соатда унга ўн беш дақиқа танффус берилди. Сунгра аввали рекордини янгилашга аҳд қилган Паттин ўз ҳисобидан икки ҳафталик меҳнат таътили олишга мажбур бўлди.

### Эшовидан тушови қўй

Бугунги кунда муаллимлар бир неча олим бўлган илмий мақолалар ҳеч қилинган хайрон қолдирмайдилар. Лекин «Физикс ревью» Леттерс журналы бу соҳада баридан узиб тушди. Унда чоп этилган мақола охирида 19 муаллим имзосен турарди. Олимлар исми, улар ишлайдиган илмий муассаса номи журналда «атиги» бир саҳифанинг барини эғаллади.

### И-Миллий Интернет фестивали

Ташкилий қўмитаси.

Биринчи миллий Интернет фестивали шу йилнинг 15 март кунини ўтказилади.

Интернет фестивали шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумотни Ташкилий қўмита ишчи гуруҳининг 144-34-14 рақамли телефони орқали ёки Интернет фестивалининг www.uzpak.uz серверидаги Web-саҳифасидан олишингиз мумкин.

Фестивалда катнашиш истагини билдирганларнинг мурожаатномалари festival@uzpak.uz манзилли электрон почта ёки 144-39-15 рақамли факс орқали қабул қилинади.

Интернет келажакка интеграциялаштирувчи технологиядир!